



ШАХСНИНГ ҲАЁТИ ВА СОҒЛИГИГА ҚАРШИ ҚАРАТИЛГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, майор

Наримонов Мирзобек Мансурбек ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги
таълим Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
ихтисослиги бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 213-
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15462067>

ARTICLE INFO

Received: 5 th May 2025

Accepted: 10th May 2025

Published: 19th May 2025

KEYWORDS

шахснинг ҳаётига қарши
ҳуқуқбузарликлар, шахснинг
соғлиғига қарши ҳуқуқбузарликлар,
ҳуқуқбузарликларнинг махсус
профилактикаси, ички ишлар
органлари.

ABSTRACT

Мазкур мақолада профилактика инспекторларининг шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини такомиллаштириш фаолияти таҳлил қилиниб, амалдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари кўриб чиқилади. Шунингдек, бу соҳадаги ишларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар илгари сурилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини «Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар

масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини «Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадрини учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юклагода.

Ўзбекистон Республикаси “Конституцияси”¹нинг 13-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадриятдир. Инсоннинг шаъни ва ор-номуси дахлсиз. Инсонни камситиш, обрўсизлантириш, ҳақорат қилиш, таҳқирлаш қонунга зид хатти-ҳаракат ҳисобланади ва бундай ҳаракатлар учун қонун бўйича тегишли жавобгарликлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 17-моддасида “Судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчи ишда қатнашаётган шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишлари шарт. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас. Инсон шаъни ва қадр-қимматини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар тарқалиб кетишига олиб келадиган, соғлиғини хавф остига кўядиган, асоссиз равишда унга жисмоний ва маънавий азоб-уқубат етказадиган ҳаракатлар қилиш ёки қарорлар чиқариш тақиқланади”², дейилади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг “³Фуқаролик кодекси”нинг **99-моддаси Шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматлар** деб номланиб, унга кўра: “Шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, ишчанлик обрўси, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, хусусий ва оилавий сири, номга бўлган ҳуқуқи, тасвирга бўлган ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, бошқа шахсий номулкий ҳуқуқлар ҳамда туғилганидан бошлаб ёки қонунга мувофиқ фуқарога тегишли бўлган бошқа номоддий неъматлар тортиб олинмайди ва ўзга усул билан бошқа шахсга берилмайди. Вафот этган кишига тегишли бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматлар қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бошқа шахслар, шу жумладан ҳуқуқ эгасининг ворислари томонидан амалга оширилиши ва ҳимоя этилиши мумкин” деб келтирилган.

Мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”⁴ги ПФ-6196-сон Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармон билан ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- 1) ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш;
- 2) ҳудудларда жиноятчилик аҳволдан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

² Ўзбекистон Республикаси ЖПК

³ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6196-сон Фармони

билан ҳамкорликда «жиноят ўчоқлари»ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш;

3) «республика — вилоят — туман — маҳалла» тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмларини жорий этиш, ички ишлар ва бошқа давлат органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш;

4) ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш, жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш. Бу жамиятимизда жиноятчиликка қарши курашиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда ички ишлар органларининг замонавий иш услубларини жорий этишга хизмат қилади.

Шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси – бу, шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасидир.

Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш учун қуйидагилар асос бўлади:

Айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг, шахслар тоифаларининг кўпайиши;

Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши.

«Шахснинг ҳаётига қарши ҳуқуқбузарликлар» ҳамда «шахснинг соғлиғига қарши ҳуқуқбузарликлар» тушунчаларига таърифни биз Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслардан топишга ҳаракат қилдик. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси”⁵да VI боби аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик деб номланади шунда 52-моддасидан 59⁵-моддасигача бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликларни ўз ичига олганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан 52-моддаси энгил тан жароҳати етказиш бўлиб, бунда энгил тан жароҳати етказиш, бу ҳаракат соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятини унча кўп давом этмайдиган турғун тарзда йўқотишга олиб келмаган бўлса бу энгил тан жароҳати ҳисобланиб маъмурий тартибда жавобгарликни келтириб чиқаришни назарда тутмоқда. Бундан кўриниб турибдики шахснинг соғлиғига қарши ҳуқуқбузарликларнинг битта кўриниши бўлмиш шахснинг соғлиғига қарши маъмурий ҳуқуқбузарликни аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар деб номлашимизга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Жиноят кодекси”⁶нинг махсус қисми биринчи бўлим шахсга қарши жиноятлар бўлиб, унда 1-3-бобларни ўз ичига қамраб олади, I Боб. “ҳаётга қарши жиноятлар” акс эттирилган. Жумладан:

97-модда. Қасддан одам ўлдириш;

98-модда. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш;

99-модда. Онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши;

100-модда. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш;

⁵ Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси

⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Жиноят кодекси

101-модда. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш;

102-модда. Эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш;

103-модда. Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш;

103¹-модда. Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш.

Жиноят кодексининг II боб. Соғлиққа қарши жиноятлар бўлиб, 104-моддадан 110-моддаларни ўз ичига олади.

Жиноят кодексининг III боб. Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар бўлиб, 111-моддасидан 117-моддаларида кўрсатилган жиноятларни ўз ичига олади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб биз «шахснинг ҳаётига қарши ҳуқуқбузарликлар» тушунчасига таъриф беришимизда Жиноят кодексини

1-боби 97-1031 -моддаларида келтириб ўтилган жиноятларни жамиятимизда содир этилишини ёки содир этилишининг реал хавфини келтириб чиқаришини тушунишимиз мумкин. «Шахснинг соғлиғига қарши ҳуқуқбузарликлар» тушунчасига таъриф беришда биз Жиноят кодексининг

2-бобининг 104-111-моддаларида кўрсатилган жиноятлар билан бир вақтда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 6 - бобининг

52-59-моддаларида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни жамиятимизда содир этилишини ёки содир этилишининг реал хавфини келтириб чиқаришини тушунишимиз мумкин.

Ички ишлар органларининг юқорида санаб ўтилган соҳавий хизматлари ўз ваколатлари доирасида шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини қуйидагича амалга ошириши белгилаб берилган:

Битринчи. шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш юзасидан вазирликда идоравий дастур ишлаб чиқилиб, тасдиқланади ҳамда ижро этиш учун ҳудудий ички ишлар органларига юборилади, бу борада давлат дастури тасдиқланганида унинг ижросини таъминлаш мақсадида идоравий дастур ишлаб чиқилиши ҳамда ишлаб чиқилган дастурлар ижро учун ҳудудий ички ишлар органларига юборилиши мумкин;

Иккинчи. шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси юзасидан вазирликнинг идоравий дастури асосида соҳавий хизматлар ҳамда жойлардаги ички ишлар органлари ҳам ўз дастурларини ишлаб чиқадилар;

Учинчи. тасдиқланган дастурлар ижросини таъминлаш мақсадида ички ишлар органларида ишчи гуруҳлар ташкил этилади ва ушбу ишчи гуруҳлар дастурда белгиланган тадбирлар ижросини мониторинг қилиб боради ва натижаларини таҳлил қилади, шунингдек ижросини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ҳамда ҳисоботлар тайёрлайди ва тақдим этади;

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”⁷ги Қонунининг 25-модда. Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари келтириб ўтилган. Унга кўра:

Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш, бартараф этиш;

⁷ Ўзбекистон Республикаси “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонуни

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш; озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган шахсларни ижтимоий реабилитация қилишга ва ижтимоий мослаштиришга тайёрлаш бўйича махсус тадбирларни амалга ошириш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини ташкил этаётган ташкилотларни рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси қонунчиликка мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

26-модда. Алкоголни суиистеъмол қилувчи ёки гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари

Алкоголни суиистеъмол қилувчи ёки гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишининг, улар истеъмол қилинишининг, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотлари қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилиши ҳамда реализация қилинишининг олдини олиш бўйича профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

мастлик ҳолатида, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича профилактика тадбирларини ўтказиш;

гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни сақлаш, ташиш, реализация қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш.

Алкоголни суиистеъмол қилувчи ёки гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси қонунчиликка мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

27-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, ушбу Қонун ва бошқа қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.11.2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-27-сон Фармонида Ички ишлар вазирлиги тузилмасида Жамоат хавфсизлиги департаментининг асосий вазифалари белгиланди. Унга кўра:

ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги бўлинмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, комплекс таҳлил қилиш ҳамда уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

жамоат тартибини сақлаш фаолиятини ташкил этиш, жамоат жойларида аҳолининг хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органлари куч ва воситаларини самарали бошқариш чораларини кўриш;

ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолиятини таъминлаш, профилактик ҳисоб ва маъмурий назоратдаги шахсларни ижтимоий мослаштириш ишларини ташкил этиш;

вояга етмаганлар ва ёшлар, айниқса уларнинг уюлмаган қисми билан манзилли тарбиявий ва профилактик чора-тадбирларни самарали ташкил этиш орқали улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этиш, йўл-транспорт ҳодисаларининг барвақт олдини олиш, транспорт воситасини бошқаришга доир чекловларга риоя этилишини назорат қилиш;

озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этишни таъминлаш, пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атворини назорат қилиш, ижтимоий мослаштириш ва қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш ишларини ташкил этиш.

Фойданилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.
4. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.
5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси.
6. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сонли Фармони.
10. Қадамович, Б. Ҳ. (2024). хотин-қизлар томонидан содир этиладиган жиноятлар профилактикасини такомиллаштириш. Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences, 4(4), 33-41.
11. Қадамович Б. Ҳ., Абдуллоев С. А. Ў. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 2. – №. 2-2. – С. 20-24.
12. Қадамович, Бабаханов Ҳамдам, and Суннатилло Акмал Ўғли Абдуллоев. "ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ." Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.2-2 (2024): 20-24..
13. Қадамович, Б. Ҳ., & Абдуллоев, С. А. Ў. (2024). ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ФАОЛИЯТИНИ

ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(2-2), 20-24..

14. Қадамович, Бабаханов Ҳамдам, and Сухроб Шухрат Ўғли Зиёдуллаев. "профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жазога оид қонун нормаларини қўллаш фаолиятини такомиллаштириш." Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.4 (2025): 116-125.

15. Қадамович, Б. Ҳ., & Зиёдуллаев, С. Ш. Ў. (2025). профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жазога оид қонун нормаларини қўллаш фаолиятини такомиллаштириш. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(4), 116-125.

16. Қадамович Б. Ҳ., Зиёдуллаев С. Ш. Ў. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА МАЪМУРИЙ ЖАЗОГА ОИД ҚОНУН НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 116-125.

17. Қадамович, Бабаханов Ҳамдам, and Сухроб Шухрат Ўғли Зиёдуллаев. "ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА МАЪМУРИЙ ЖАЗОГА ОИД ҚОНУН НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ." Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.4 (2025): 116-125.

18. Қадамович, Б. Ҳ., & Зиёдуллаев, С. Ш. Ў. (2025). ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА МАЪМУРИЙ ЖАЗОГА ОИД ҚОНУН НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(4), 116-125.

19. Қадамович Б. Ҳ., Хасанов А. А. Ў. жамоат хавфсизлиги департаментининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштириш йўналишлари //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 2-2. – С. 114-119.

20. Қадамович, Бабаханов Ҳамдам, and Абборжон Акбар Ўғли Хасанов. "жамоат хавфсизлиги департаментининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштириш йўналишлари." Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.2-2 (2025): 114-119.

21. Қадамович Б. Ҳ. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ТАРБИЯСИ ОҒИР БЎЛГАН ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЕТИШ БЎЙИЧА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ //Eurasian Journal of Academic Research. – 2024. – Т. 4. – №. 4-1. – С. 95-100..